



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 4 » may

№ 275

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикамизда охирги йилларда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, худудларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали негизида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Институтда таълимнинг кредит-модуль тизими жорий этилади. Бунда, ҳафтада **беш кунлик ўқиш** ҳамда ҳафтанинг **шанба куни мустақил ўзлаштириш куни** деб белгиланади;

Институтнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишининг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Институтда 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўкув режалари ва фан дастурлари **Институт томонидан хорижий олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда мустакил тасдиқланиши** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда:

бир ой муддатда олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш;

икки ой муддатда Институтда ўкув-методик жараённинг ташкил этиш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўкув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирларни амалга ошириш;

ҳар йилнинг 20 августига қадар Институтни олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш ташкилотларининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан танлов асосида тўлдириш;

Институт профессор-ўқитувчилари, илмий ва техник-муҳандис ходимларининг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда **хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида**, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида **стажировка ўташи бўйича дастурлар тайёрланишини** ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган **қўшма таълим дастурларининг ўкув режаларини хорижий эксперталар иштирокида ишлаб чиқилишини** таъминлаш;

2022/2023 ўкув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон тупроқ иқлим-шароитини ҳисобга олиб, ер деградацияси ва атроф-муҳит мониторингини замонавий технологиялар асосида олиб боришда геоахборот тизимларидан фойдаланиш мақсадида Институт тузилмасида Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда **“Геоахборот тизимлари”** маркази ва лабораториясини ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида ёки хусусий сектор иштирокида Институт хузурида илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришда иштирокини таъминловчи **“Кичик инновацион корхоналар”**ни ташкил этиш чораларини кўриш;

ислоҳотларнинг ҳозирги босқичига ҳамоҳанг тарзда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида янги авлод дарслклари ва ўкув қўлланмалари туркумини хорижий олимлар, олий таълим ва аграр соҳада самарали фаолият юритаётган мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, ўкув режалари ва дастурларини янгилаш ҳамда қайта кўриб чиқиш бўйича икки ой муддатда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

Институтнинг ахборот-ресурс марказини маҳаллий ва хорижий ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

6. Қорақалпоғистон Республикасида мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги, мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш соҳаларига илм-фанни татбиқ этиш мақсадида Институт ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги “Мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари” ўқув-илмий маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

7. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мойли экинларни парваришилашнинг био, нано ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш;

Институтнинг “Ахборот-маслаҳат маркази” (Extension-center) худудидаги ер майдонларида ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, мойли экинларнинг серҳосил, шўр ва қурғоқчиликка, касаллик ҳамда зарапкунандаларга чидамли, маҳсулот сифати ва майдорлик даражаси юқори бўлган нав ва дурагайлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш;

суғориладиган ва чўл-яйлов худудларининг тупроқ-икълим шароитлари учун мойли экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиши;

илмий ходимларнинг илфор инновацион технологияларни яратиш бўйича ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, жисмоний шахсларнинг новаторлик ғояларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишга кўмаклашиш;

кластерлар, кооперациялар, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун мойли экинларни етиштириш бўйича кўргазмали ўқув-семинарларни ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Олий аттестация комиссиясининг 2022 йилдан бошлаб Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантураси)га қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабул параметрларини З баробарга ошириш ҳамда минтақадаги бошқа олий таълим ва илмий ташкилотларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ихтисослашган илмий кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда:

нуфузли хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш ва Институтнинг илмий педагогик ходимларини халқаро анжуманларда иштирокини таъминлаш;

2021 йил 15 июля қадар Институт ва Вьетнам аграр университети билан биргалиқда шолицилик йұналишида құшма факультет ташкил қилиш бүйіча ҳамкорлық алоқаларини ўрнатсın;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб дунёning Япония, Хитой, Россия, Жанубий Корея ва бошқа ривожланған давлатларнинг шолициликка ва қишлоқ хұжалиги әкінлари етиштиришга ихтисослашған муассасаларыда Институтнинг ёш истиқболли кадрлари ва илмий-педагогик ходимларини мақсадли равищда хорижда малакасини ошириш ва стажировкага юбориша бүйіча аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиғи Қишлоқ хұжалиги вазирлиғи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы билан биргалиқда уч ой муддатда худуднинг тупроқ-икәлим шароитидан келиб чиқиб, мойли әкінларнинг серхосил, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳсулот сифати ва майдорлик даражасы юқори бўлган нав ва дурагайлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга кўйиш бўйича мақсадли фундаментал ва амалий лойиҳалар танловини эълон қиласин.

11. Қорақалпоғистон қишлоқ хұжалиги ва агротехнологиялар институты ҳузуридаги “Мойли әкінлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияси” ўқув-илмий марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

12. Қуйидагилар:

а) Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг техник кўмаги ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар молиялаштириб борилишини таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг техник кўмаги ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Белгилаб қўйилсинки, Институтни сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **Институтга** хориждан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларидан ишга таклиф этилган мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Нукус шаҳрида қурилаётган арzon уй-жойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Қ. Абданбетов кўчасида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув хуқуқи асосида текин бериш, унинг ўкув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўкув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкини топшириш;

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш;

бошқа ҳудудлардан ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни Институтда фаолият юритган даврида турар жой билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сарiev зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил “4” май даги 275-сон қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти фаолиятини ташкил этиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Институт фаолиятини ташкил этиши				
1	Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг устави ва тузилмасини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш.	Бир ой муддатда	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
2	Институтда раҳбарлик фаолиятини (проректорлар, бўлим бошлиқлари, факультет деканлари) олиб бориш учун номзодлар рўйхатини шакллантириши.	2021 йил май	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
3	Институтнинг 2021/2022 ўқув йилига мўлжалланган харажатлар сметасини, штатлар жадвалини ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2021 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар
II. Институтда 2021/2022 ўқув йилини самарали ташкил этиши				
4	2020/2021 ўқув йилидан бошлаб биринчи босқич талабаларини ўқитишида кредит-модуль тизимини босқичмабосқич жорий этиш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
5	Талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун масофавий электрон таълим платформасини ташкил этиш ҳамда электрон ахборот ресурс манбалари (тақдимотлар, тарқатма материаллар, мъруза матнлари, видео ва аудио дарслар) билан бойитиб бориш.	2021/2022 ўқув йили давомида	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
6	Институтнинг талабалари учун ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётлари базасини яратиш мақсадида Институт мутахассис қадрларининг истеъмолчилари ҳисобланган ҳудудий ташкилотлар, кластерлар, кооперациялар, хўжалик бирлашмалари билан ишга жойлаштириш ва амалиётларни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш ҳамда талабаларнинг амалиётларини замонавий технопаркларга ва илғор тажрибага эга ташкилотларда ташкил этиш.	Ўкув жараёни жадвали асосида	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
7	Институтнинг ахборот-ресурс марказини ўзбек ва қорақалпоқ тилидаги ўкув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўриш ҳамда етишмаётган ўкув адабиётларини, шунингдек, янги авлод дарсликлари ва ўкув қўлланмаларини яратиш режасини ишлаб чиқиши.	2021/2022 ўкув йили давомида	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
8	Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг ҳалқаро рейтингда етакчи олий таълим ва илмий ташкилотлари рўйхатини шакллантириш ҳамда улар билан ҳамкорлик алокаларини ўрнатиш.	Доимий	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
9	Институт профессор-ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишлари ва амалий машғулотлар олиб бориши ва талабалар малакавий амалиётларини ўташи учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида соҳа корхоналарида ўкув-амалиёт марказларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.	2022 йил февраль	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

III. Институтнинг таълим хизматини кўрсатиш фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар

Ўкув жараёни бўйича

10	Ўкув жараёни ва қишлоқ хўжалигига ракамли технологияларни жорий этиш мақсадида тор ихтисосликлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларига институтнинг профессор-ўқитувчиларини малака ошириш ҳамда стажировка ўташ учун юбориш, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг долзарб йўналишлари бўйича вебинар дарс машғулотларини ташкил этиш.	2021-2025 йиллар давомида келишув асосида	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
----	--	---	--	---------------------------

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
11	Замонавий технологиялар ва интерактив таълим усулларини ҳамда талабаларнинг мустақил ўкув ва амалий фаолиятини ривожлантириш орқали амалиёт ўташ, шунингдек, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро масофавий ҳамкорлигини таъминлашга, уларда инновацион ва таҳлилий фикрлашни ривожлантиришга мўлжалланган модули, объектга йўналтирилган ва динамик таълим муҳитини кенг жорий қилиш.	2021-2023 йиллар	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
12	Хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, янги авлод дарслерлари ва ўкув кўлланмалари туркумини тайёрлаш ҳамда ахборот-ресурс маркази фондини доимий янгилаб бориши мақсадида Институтнинг харажатлар сметасига ўкув адабиётларини харид қилиш ҳамда чоп этиш, шунингдек, муаллифлар меҳнатини рағбатлантириш учун маблағлар ажратилишини назарда тувиш.	2021-2025 йиллар	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги
13	Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни инобатга олган ҳолда, янги таълим йўналишлари ва мутахассисларни бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Илмий-тадқиқот ишлари бўйича

14	Институт хузуридаги “Мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари” ўкув-илмий марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	2021-2022 йиллар давомида	Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
----	--	---------------------------	---	---

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
15	Ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини танлаш ва педагогик фаолиятга фаол жалб қилиш.	2022-2025 йиллар	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
16	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ташкилотлар Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари билан биргаликда қўшма илмий-тадқиқотларни амалга ошириши ва илмий-методик ишланмаларни ишлаб чиқиши учун шароитлар яратиб бериш.	Доимий	Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
17	Профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлигини ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида давлат хусусий-шериклик шартлари асосида кичик инновацион ташкилотларни ташкил этиш.	2022-2025 йилларда	Ташаббускорларнинг маблағалари ҳисобидан	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
18	Худудларнинг тупроқ-иқклим шароитини яхшилашга доир муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун таклифлар тайёрлаш.	2021 йил июнь	Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
19	Институтнинг профессор-ўқитувчиларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий ташкилотларида, агрокластерларда, кооперацияларда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташи бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	2021 йил ноябрь	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгапши

Маънавий-маърифий ишлар бўйича

20	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 ташаббусни амалиётга кенг жорий этиш:</p> <p>1-ташаббус бўйича – талаба ёшларни мусиқа ва санъатга жалб қилиш, уларда эстетик дид ва касбий этикани шакллантириш мақсадида танловлар, кўргазмалар, санъат ва маданият масканларида очиқ дарслар ўтказиш, театр ва музейларга ташрифларни уюштириш, иқтидорли талабалардан ташкил топган “Ёш ҳаваскорлар” ашула ва рақс ансамблини тузиш;</p> <p>2-ташаббус бўйича – спорт мажмуаларида тўгараклар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга талаба қизларни янада кенгроқ жалб қилиш, талабаларнинг қизиқиши ва таклифлари асосида янги спорт тўгаракларини очиш, “Саломатлик сари мустаҳкам қадам” акцияси ва спорт турлари бўйича олий таълим муассасалариро уч босқичли ўйинларни ўтказиш;</p> <p>3-ташаббус бўйича – талаба ёшларда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан тўғри фойдаланиш маданиятини ривожлантириш мақсадида уларнинг қизиқишилари бўйича клублар, компьютер технологиялари, лойиха ва дастурлаш бўйича компьютер дастурлари, интернет саводхонлиги тўгараклари, онлайн-викториналар, ИТ-олимпиадалар ташкил этиш, таълим фаолияти билан боғлиқ электрон дастурлар, QR-код электрон кутубхоналар жорий этиш;</p>	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб доимий	Институтнинг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгапши
----	---	--------------------------------------	---	---

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	<p>4-ташаббус бўйича – талаба ёшларни бадиий адабиётга қизиқтириш, уларда ватанпарварлик, ватан тақдирига дахлдорлик, фидойилик туйғусини тарбиялаш мақсадида “Бир талабага – бир китоб” акцияси, “Энг фаол китобхон” танлови, “Ёш адабиётчилар” клубларини, турли мавзулардаги танловларни ташкил этиш;</p> <p>5-ташаббус бўйича – талаба қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, “Бизнес леди” мактаби (бизнес режа тузишга ўргатиш), “Тадбиркор талаба” клуби, “Оила мактаби” тренинглари, тикувчилик, каштачилик, миллий хунармандчилик курсларини йўлга қўйиш, қизларни ички салоҳиятини очишга кўмаклашадиган ижодий ва фан тўгаракларини ташкил қилиш.</p>			
21	Институтда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларнинг Ўзбекистон Президенти ва номдор стипендияларга эълон қилинган танловларда ҳамда республика ва халқаро танловларда иштирокини таъминлаш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	-	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
Халқаро ҳамкорлик бўйича				
22	Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш борасида қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.	2021 йилдан бошлаб доимий	Халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий донор ташкилотлари грантлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
23	Истиқболли битирувчиларни республика ва хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларига магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш.	2021-2025 йиллар	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	“Эл-юрт умиди” жамғармаси, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “4” май даги 275-сон қарорига
2-илова

**Қарақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
хузуридаги “Мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари” ўқув-илмий марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



**) Илмий-техник кенгаш таркибига кластерлар, кооперациялар, фермер хўжаликлари фаолиятини таомиллаштириши, мавжуд муаммоларни илмий асосда ҳал этиши мақсадида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи илмий-педагог ходимлари ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибали мутахассислар қўшимча тарзда жсалб этилади.*

